

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил махсус сон



Фойдаланилаган адабиётлар

1. Иноятов У.И., Замонавий электрон дидактик воситаларни яратиш, таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш долзарб ижтимоий-педагогик муаммолар
2. Абдураимова Г., Обучение младших школьников образовательной области «технология» как психолого-педагогическая проблема. PROBLEMS OF MODERN CONTINUING EDUCATION: INNOVATION AND PERSPECTIVES April 27, 2018
3. Ўқувчиларда ахлоқий-эстетик идеални шакллантиришда халқ оғзаки ижодининг аҳамияти. Ёшлилар тарбиясида миллий қадриятлардан фойдаланишнинг айрим масалалари Бухоро, 1994, 42-50-бетлар.
4. Бўлажак ўқувчиларда ахлоқий-эстетик тарбиясига тизимли ёндашув. Ўқитишнинг педагогик-психологик асослари: муаммо ва истиқболлар, мавзуусида Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Бухоро-2002. 17-18 апрел, 17-19 бетлар.
5. Ёшлилар маънавий-ахлоқий тарбияси – педагогик муаммо сифатида. “Педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари”. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд-2005. 4-5 май. 31-33 бетлар.

**ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТНИНГ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

П.Ф.н., доц. Қ.О.Шодманов, мустақил тадқиқотчи Р.З.Хатамова – Наманган давлат университети, Ўзбекистон

Аннотация: Мақолада олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлашида инновацион менежментнинг қўлланилиши, таълим сифати олий таълим муассасасининг ўқувтарбиявий фаолиятини турли қирраларини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи эканлиги ҳамда таълим сифати муайян олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилар таркибининг сифати, уларнинг савияси ва малакаси билан боғлиқ эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Олий таълим муассасаси, таълим, сифат, таълим сифати, инновация, инновацион фаолият, инновацион мұхит, инновацион соҳа, инновацион инфраструктура, инновацион салоҳият, менежмент, таълим, таълимда инновацион менежмент, таъсир этувчи омиллар.

Аннотация: В статье рассматривается применение инновационного менеджмента в обеспечении качества образования в высшей школе, качество образования – это совокупность показателей, которые характеризуют различные аспекты образовательной деятельности высшего образования, а качества образования зависят от качества, уровня и квалификации факультета.

Ключевые слова: Высшее учебное заведение, образование, качество, качество образования, инновации, инновационная деятельность, инновационная среда, инновационное поле, инновационная инфраструктура, инновационный потенциал, менеджмент, образование, инновационный менеджмент в образовании, влияющие факторы.

Resume: The article discusses the application of innovative management in ensuring the quality of education in higher education, the quality of education is a set of indicators that characterize various



aspects of educational activities of higher education and the quality of education depends on the quality, level and qualifications of faculty.

Key words: university, innovation, innovation activity, innovation environment, innovation sphere, innovation infrastructure, innovation potential, management, education, innovation management in education, influencing factors.

Инновацион менежмент тушунчаси – Ўзбекистон иқтисодиёти учун нисбатан янги тушунча бўлиб, фан-техника тараққиётини бошқариш жараёнлари ва илмий-техника ютуқларини таълим ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишининг асосий жиҳатларини қамраб олмоқда.

Инновация – мавжуд тизимлар ривожланишини бошқариш жараёни бўлиб, унда инновацион маҳсулот амалий қўлланилиш босқичигача олиб келинади ва бозор муваффақиятини таъминлайди.

Мамлакатлар рақобатдошлигини баҳолашнинг кўрсатишича, корхоналар ривожланишининг асосий стратегияси бўлиб, қуйидаги тамойилларга асосланган бошқарув сиёсатини амалга ошириш хизмат қиласди:

- ✓ табиий ва иқдим ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- ✓ жамғарилган бойликлардан ўз ўрнида фойдаланиш;
- ✓ инвестицияларни фаол жалб қилиш;
- ✓ инновацияларни қўллаб-қувватлаш.

Шу муносабат билан, инновацион менежментнинг ташкилот самарали ривожланиши ва рақобат устунликларини шакллантириш омили сифатидаги роли янада ошади.

Инновацияларни бошқаришда инновацион менежментнинг энг муҳим амалий вазифаларидан бири – инновацион жараёнларни бошқаришнинг самарали тизимини шакллантиришдир ва у қўйидагиларни амалга оширишни назарда тутади:

- инновацион менежментнинг тегишли назарий базасини ишлаб чиқиш;
- инновацион менежмент соҳасида мавжуд муаммоларни ечиш услубларини асослаш;
- инновацион жараёнлар самарадорлигини баҳолаш услубиёти ва уларга таъсир кўрсатиши воситаларини ишлаб чиқиш.

Таълим муассасасида рўй берадиган инновацион жараёнларнинг самарадорлиги, инновацион стратегияни шакллантиришда қўлланиладиган усул ва услубларга, инновацион методлар категориясига, қўлланилаётган инновациялар турларига, илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг ишлаб чиқаришда қўлланилишига боғлиқ бўлади. Улар орасида энг муҳим элементлар бўлиб қўйидагилар саналади: инновацион характердаги ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг самарали стратегиялари; муайян ташкилий тузилмада бундай стратегияни амалга ошириш жараёнини бошқарув механизми.

Бошқарувнинг инновацион назарияси ва инновацион стратегиясини услубий жиҳатларини ўрганиш даври ўтган аср бошларига тўғри келди ва кўпгина йирик олимлар томонидан амалга оширилди.

Хозирги кунда илмий-техника тараққиёти ва бозор эҳтиёжлари, маҳсулот номенклатураси ва сифатига янги талабларни шакллантирган ҳолда, талаб ва таклиф конъюнктурасидаги ўзгаришларга олиб келмоқда.



Таълим муассасаларини бошқариш амалиётида бундай стратегиянинг шаклланиши, инновацион жараёнларни самарали бошқарув тизимларини яратиш заруриятини ифодалайди.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитларида, инновация фаолиятининг устувор йўналишларида турили хил ресурсларни оптималлаштириш, инновацион жараёнларни мажмуавий бошқариш ва инновацион ривожланишнинг самарасиз вариантини танлаш таваккалчилигини пасайтириш учун харидорларнинг ўзгарувчан инновацион эҳтиёжларини ҳисобга олиш лозим бўлади. Бунда инновациялар ва уларни бошқариш таълим муасасаси ривожланишининг асоси ва узоқ муддатли муваффақиятининг кафолати ҳисобланади.

Инновацион менежментнинг асосий қоида ва категорияларини ўрганиш учун “инновация” тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини тўлиқ англаб етишимиз лозим. Иқтисодий адабиётларда инновация (ингл. *innovation*) – потенциал илмий-техника тараққиётни янги маҳсулот ва технологиялар қўринишида реал тараққиётта айланиши, деб таърифланади.

Бозор иқтисодиётида инновацияларни тизимили тақдим этиш услубиёти халқаро стандартларга асосланган ва уларга мувофиқ инновация деганда, бозорга кириб келган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалиётда қўлланилаётган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёки ижтимоий хизматларга бўлган янгича ёндашув қўринишидаги инновация фаолияти натижаси тушунилади.

Жуда кўп адабиётларда инновация бўйича жуда кўп тушунчалар келтирилган. Масалан, у мазмун ва моҳияти, ички тузилишига қўра техникавий, иқтисодий, ташкилий, бошқарув ва бошқа инновация турларига ажратилган. Инновациянинг белгилари сифатида, унинг кўлами (глобал ва локал), ҳаётий даврининг ўлчамлари (босқичларга ажратиш ва таҳдил қилиш), амалиётта татбиқ этиш жараёнининг қонуниятлари ажратиб кўрсатилган.

“Инновация” тушунчаси (лот. *Novus* – янги) тадқиқотларда ва илмий ишларда XIX асрларда қўлланила бошланиб, олдинги вақтларда у алоҳида элементларни бир соҳадан бошқа соҳага киритишни ифодалаган.

Инновация – мақсадга йуналтирилган ўзgartiriшлар бўлиб, маълум бир ижтимоий бирликка - муассаса, уюшма, жамоа ва групкаларга янги ва нисбатан барқарор бўлган элементларни, умумий ҳолда халқнинг маънавий-маданий муносабатлари ва мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган янгиликларни киритишдири.

Баъзида инновация жараён сифатида қўриб чиқлади. Бунда янгиликлар киритишнинг ривожланиши вақтга боғлиқ бўлиб, у аниқ ифодаланган босқичларга эга деб кўрсатилади.

Мамлакатимиз олимларидан Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, М.Куронов, Р.Ахлидинов ва И.Мажидовлар инновацияларни таълим маконидаги хилма-хил ташаббуслар ва янгиликларнинг тўпланиши ва шаклини ўзgartiriши тамойилларида ўз ифодасини топувчи, таълимни ривожлантиришнинг муҳим унсури сифатида қўйидагича таърифлайди.

Инновациялар – хилма-хил ташаббуслар ва янгиликлар асосида вужудга келадиган таълим эволюцияси учун истиқболли бўлади ҳамда унинг ривожланишига, шунингдек,



анча кенг мультимаданий таълим маконининг ривожланишига ижобий таъсир қўрсатадиган актуал аҳамиятли ва ўзи тизим хосил қиласидан янги нарсалардир¹.

Инновация тушунчасига берилган турли хил таърифларнинг таҳлилига қўра, инновациянинг ўзига хос мазмuni ўзгаришларни ташкил этади, инновацион фаолиятнинг асосий функцияси ўзгаришидан иборат деган хуноса келиб чиқади.

“Инновация” тушунчаси доимо бир хил маънода таърифланмайди, қўп ҳолларда у “янгилик кириғиш” тушунчаси сифатида қўрилади, “инновацион жараён” тушунчаси эса, янгилик яратиш ва уларни ўзлаштириш ҳамда олий таълим муассасаси амалиётида самарали қўллашни ифодалайди.

Бугунги кунда жамиятда ва иқтисодиётда инновацияни ривожлантириш иқтисодий ўсиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. XXI аср тарихга инновация асли бўлиб кирди. Инновация, фан ва техниканинг бугунги кундаги янги технология, маҳсулот, ахборот ва коммуникация восталарида, техник ва ташкилий бошқаришнинг янги усулларида, янги хизмат турларида гавдаланган ютуғидир.

Инновацион менежмент ҳаракатлар мажмумини, самарали меҳнатни таъминлашга йўналтирилишини ифодалайди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни инновация асосида ривожлантиришнинг иқтисодий сиёсатига устувор стратегик йўналиш сифатида қаралади.

Таълим муассасалари фаолиятининг асосий тури бўлиб таълим хизматларини яратиш саналади. Бу таълим хизматларини таърифлашнинг етарлича кенг доирадаги миқдорлари мавжуддир.

Биринчидан, таълим хизмати – бу ўқув-педагогик фаолиятдир.

Иккинчидан эса, таълим хизмати – бу таълим муассасаси томонидан истеъмолчининг ишчи кучи қийматини оширувчи ва унинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиигини яхшиловчи маълумотга эга бўлиш имкониятларини тақдим этишдир.

Учинчидан, таълим хизмати – бу шахс, жамият ва давлатнинг турли хилдаги таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадларида фойдаланиладиган билимлар, ахборотлар, маҳорат ва қўникмаларнинг тизимиdir.

Сифат – бозор иқтисодиёти шароитида таълим муассасасининг авторитети, у ерда тайёрланадиган кадрларнинг рақобатбардошлиигини таъминловчи асосий қўрсаткичдир.

Кадрлар сифати – таълим муассасалари фаолиятини баҳоловчи асосий қўрсаткичдир.

Илмий адабиётларда маҳсулот сифати – маҳсулот ёки товарнинг шундай хусусиятлари йигиндисики, у маълум талабларни бажара оладиган, истеъмолчини талабларини қондиришга ярайдиган ва ундан самарали фойдаланиш учун ишлаб чиқилган (тайёрланган) хусусиятлар йигиндисидир.

Таълим сифати – ижтимоий категория ҳисобланиб, жамиятда таълим жараёнининг ҳолати ва натижасини ҳамда шахснинг касбий, майший ва фуқаролик компетентлигини шаклланиши ва ривожланишини жамият талаби ва эҳтиёжига мос келишини аниқлайди. Таълим сифати таълим муассасасининг ўқув-тарбиявий фаолиятини турли қирраларини тавсифловчи қўрсаткичлар мажмуи орқали баҳоланади.

Ушбу қўрсаткичларга таълим олувчилар компетентлигининг ривожланишини таъминловчи таълим мазмуни, ўқитиш шакли ва услублари, материал-техник база, ўқитувчи-ходимлар таркиби кабилар киради.



Таълим сифати – инсон ҳаёт-фаолияти сифатини ошириш ва аниқ мақсадга эришишда фойдаланиш учун зарур бўладиган, аниқ шароитларда талаб этилиб олинган билимлар мажмуидир.

Олий таълимда таълим сифати – таълим моделининг замонавий талабга, халқаро стандартларга, тайёрланган йўналиш ва мутахассисликлар бўйича назарий ва амалий билим кўнкимларини етарлича ўзлаштирилган, институционал мақсад ва вазифалари ҳамда таълим тизимиning аниқ стандартлари, таълим муассасалари, ўқув дастурлари ва фанлари билан боғлиқ бўлган кўп қиррали, кўп даражали динамик тушунчадир.

Билим сифати – битириувчиларнинг ўқув жараёнини тутатгандан сўнг олинган билимларнинг фундаменталлиги, юқорилиги, иш жараёнида қанчалик кераклилиги ва иш берувчининг қўйган талабларига мос келиши билан белгиланади.

“Таълим сифати” атамаси қўйидағи омилларга боғлиқ ҳолда турлича аҳамият касб этади:

- олий таълим иштирокчиларининг манфаатлари;
- кириш маълумотлари, таълим-тарбия жараёнлари, чиқиш маълумотлари, мақсад ва вазифалар каби тушунчаларнинг ўзаро нисбати;
- баҳоланадиган академик соҳанинг хусусиятлари ёки тавсифи;
- олий таълимнинг тарихий ривожланиш даври.

Шунингдек, таълим сифати атамаси қўйидағи турли даражадаги аниқланишларга ҳам эга:

- сифат – энг юқори қўрсаткич сифатида;
- сифат – мақсадга тўлиқ эришилган фаолият шаклида;
- сифат – яхшиланган ва такомилаштирилган фаолият шаклида.

Юқорида келтирилган “таълим сифати” тўғрисидаги аниқланишлар таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг тарихий даврига боғлиқ ҳолда ўз афзалликлари ва камчиликларига эгадир.

Таълим сифати абсолют ва нисбий тушунча сифатида қаралиши ҳам мумкин.

➤ Таълим сифатининг абсолют тушунчасида таълим муассасасининг статуси, мавқеи ва устунилигини акс этиши назарда тутилади. Бундай идеал тушунча таълим муассасаси имиджининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига шароит яратади ва таълим сифати кўрсаткичи бўйича энг юқори даражадаги таълим стандартига интилишини ифодалайди.

➤ Таълим сифати нисбий тушунча сифатида ҳам қаралиши мумкин. Бунда сифат таълим хизматнинг асосий атрибути (ажралмас қисми, асосий хусусияти) деб ҳисобланмайди ва таълим жараёнини давлат таълим стандартига мос келиши билан баҳоланади.

Шу сабабли таълим сифати нисбий тушунча сифатида икки хил маънода белгиланиши мумкин:

- таълим стандартига мослиги;
- таълим хизмати истеъмолчиларининг расмий талабларига мос келиши.

Биринчи тушунча таълим муассасаси нуқтаи назаридан сифатни белгиласа, иккинчиси эса истеъмолчи, яъни иш берувчилар томонидан сифатни баҳолайди.

Таълим сифатини аниқлашда сифат кўрсаткичларини қўйидағи гурӯҳларга ажратиш мумкин:

- профессор-ўқитувчилар таркибининг сифати;



- ўқув юртининг материал-техник базаси;
- ўқитувчилар таркибининг асосланганлиги;
- ўқув дастурларининг сифати;
- талабаларнинг ўзлаштириш сифати;
- инфратузилма сифати;
- берилаётган билим сифати;
- раҳбариятнинг инновация фаоллиги;
- инновацион жараёнларни тадбиқ этилиши;
- битирувчиларга қўйилган талаб;
- битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги;
- битирувчиларнинг келгусидаги ютуқлари.

Ҳозирги кунда “инновация” тушунчаси бирон бир турдаги фаолиятни таркибий жихатдан янгиланишини, тубдан ўзгартирилишини ифода этади ва жудаям катта аҳамиятга эга.

Таълим сифати биринчи навбатда муайян олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилар таркибининг сифати, уларнинг савияси ва малакаси билан белгиланади. Улар турли хил педагогик технологиялар ва услублар ёрдамида билим оловчиларга билим беришади. Шу сабабли билимларни узатиш технологиясининг замонавийлиги, ишончлилиги, асосланганлиги, унинг ёрдамида таълим оловчиларни ўзлаштириш даражаси, олинган билимларни мустаҳкамлиги, асосланганлиги ҳам муҳим рол ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.Курбонов, Э.Сейтхалилов ва бошқалар. Миллий истиқлол ғоясини шаклантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. Т., “Академия”, 2002.
2. Ф.Эргашев, Д.Рахимова ва бошқалар. Инновацион менежмент. –Т.: Академия, 2005.
3. Р.Х. Джураев, С.Т. Турғунов. Таълим менежменти. Тошкент. «Voris-Nashriyot» 2006.
4. Д.В. Соклов, А.Б. Титов, М.М. Шабанова. Предпосылки анализа и формирования инновационной политики. 2015.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ СУЩНОСТЬ И ЭФФЕКТИВНОСТЬ

и.о профессор кафедры физической культуры,

Рахимкулов Каримжон Даткаевич

Узбекский Государственный университет мировой языков

Резюме: Данная статья рассматривает теоретические основы педагогического моделирования, его сущность и эффективность. Моделирование, являясь одним из методов научного исследования, широко применяется в педагогике. Метод моделирования является интегративным, он позволяет объединить эмпирическое и теоретическое в педагогическом исследовании, т.е. сочетать в ходе изучения педагогического объекта эксперимент с построением логических конструкций и научных абстракций.

Ключевые слова: моделирования, теория, педагогика, метод, формирование, проектирование, планирование.



158	O'smir yoshdagи volebolchilarni musobaqa oldi ruxiy tayyorgarlik metodikasi. Egamberdiev I.E.	758
159	"Бобурнома"даги шоирлар образининг структурал таҳдили Қозақова С.	762
160	Умумтаълим мактабларида вужудга келадиган педагогик низоларнинг ўзига хос хусусиятлари Сайдов А.Н.	766
161	Antroposentrik yondashuv asosida o'qitishda o'qituvchi faoliyatini takomillashtirish Sobirova M.Y.	769
162	Социокультурный и краеведческий принципы обучения русскому языку Мамадалиева С.Ш.	773
163	Sog'lom turmush tarziga amal qilishda tashqi muhit omillarining sportchi organizmiga ta'siri Madaminov B.Sh., Atabayev B., Abduboqiyeva A.	777
164	Yugirish jismoniy tayyorgarlik va sog'lom turmush tarzining asosiy vositasi sifatida Usmanov B.X.	783
165	Таълим- тарбиянинг долзарб муаммолари Пайзибаева М.	787
166	Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежментнинг ўрни ва аҳамияти Шодманов К.О., Хатамова Р.З.	789
167	Теоретические основы педагогического моделирования сущность и эффективность Рахимкулов К.Д.	794
168	Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналишининг комплекс ўқув режасида интегратив ўқитиши методининг вазифалари Тошхонов А.Т.	800
169	Oliy o'quv yurtlari jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida sog'lom turmush tarzini shakllantirish pedagogik muammo sifatida Хатамов Z.N. Boltaboyev X.H.,	808
170	Mamlakatimiz ijtimoiy hayotida sog'lom turmush tarsi fenomeni, jismoniy etuklik, jismoniy kamolot, jismoniy barkamollik tushunchalari. Boltaboyev X.H.	812
171	Sportchilar dagi jarohatlarning umumiy tavfsifi X.H. Boltaboyev.	816
172	Место теоретико-литературных понятий в учебнике по русскому языку для 7 класса узбекских школ Хайитов М.М.	820
173	Болага иккинчи тилни ўргатишнинг психологик хусусиятлари Эргашева Х.Ю.	826
174	"Иқтисодий ва ижтимоий география" фанини ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари Кўлдашева М.Н.	832